


Хаворижлар



14:18 / 11.04.2025 1681

Хаворижлар, Алий розияллоху анхуни Сиффиндаги урушни тўхтатиб, Қуръони Каримнинг ҳукмига тушишга мажбурлаган, кейин ҳакамликни инкор қилган, Ҳарура деган жойда тўпланиб, ҳазрати Алий розияллоху анҳуга қарши чиққан одамлар эди.

«Хавориж» сўзининг маъноси «қарши чиқувчилар»дир. Улар ер юзида фисқу фасод, бузғунчилик қилишди. Ҳазрати Алий розияллоху анҳу Наҳравон жангида уларни енгганларидан кейин кўпчилик хаворижлар ҳазрати Алий розияллоху анҳунинг лашкарларига қўшилиб олишди ва улардан бири имконини топиб, у киши розияллоху анҳуни қатл қилди.

Муовия ибн Абу Суфённинг даврида улар Куфа ва Басрада бир неча марта қўзғалон уюштиришди. Муовия розияллоху анҳу уларга қарши уруш олиб бориб, қўзғалонни бостирди.

Басранинг волийси Зиёд ибн Абийҳ ва унинг ўғли Убайдуллоҳ хаворижларга қарши ниҳоятда қаттиқ турар, сира шафқат қилишмас эди.

Хаворижлар асли саҳролик қўпол, дағал, бераҳм, шафқатсиз одамлар эди. Улар одамларни иккига бўлиб – ё мўмин, ё кофир бўлади дейишар, ўзларининг фикрига қўшилганларни мўмин, қарши чиққанларни кофир ҳисоблашар, ҳатто ҳазрати Усмон, Алий, Муовия розияллоху анҳумни ҳам кофирга чиқариб қўйишган эди. Хаворижлар ўз жамоасига қўшилмаганларга қарши уруш қилишар, уларнинг қонини ҳалол

санашарди. Натижада улар жуда кўп бало-офатларга сабаб бўлишди.

Мулоҳаза қилинадикки, умавийлар давлати даврида хаворижлар жуда кўп ғалабаларга ҳам эришишган. Уларнинг турлича фирқалари бўлиб, азрақийлар, нажадотлар, ибозийлар, ажоридалар, сафариялар каби номлар билан аталган.

«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.